


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2023

2011 йилдан чиқа бошлаган

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI
AХВОРОТНОМАСИ



ВЕСТНИК
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

СПЕЦВЫПУСК ПОСВЯЩЁН
50-летию образования Ташкентского
областного филиала Республиканского
научно-практического центра
судебно-медицинской экспертизы

11 сентября 2023



Выпуск набран и сверстан на компьютерном
издательском комплексе
редакционно-издательского отдела
Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском
управлении печати и информации
Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом №
201/3 от 30 декабря 2013года
реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии
с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,
Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.

Контактный телефон: 214 90 64

e-mail: rio-tma@mail.ru

rio@tma.uz

Формат 60x84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».

Тираж 150.

Цена договорная.

Отпечатано на ризографе
редакционно-издательского отдела ТМА.
100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА, 2023

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

Главный редактор

проф. А.К. Шадманов

Заместитель главного редактора

проф. О.Р.Тешаев

Ответственный секретарь

проф. Ф.Х.Иноятова

Ответственный за выпуск

к.м.н. Шодиев Г.Б.

доцент И.И. Бахриев

ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ

акад. Аляви А.Л.

проф. Билалов Э.Н.

проф. Гадаев А.Г.

акад. Каримов Ш.И.

проф. Комилов Х.П.

акад. Курбанов Р.Д.

проф. Мавлянов И.Р.

акад. Назыров Ф.Г.

проф. Нажмутдинова Д.К.

проф. Саломова Ф.И.

акад. Соатов Т.С.

проф. Ходжибеков М.Х.

проф. Шайхова Г.И.

проф. Жае Вук Чои

Члены редакционноого совета

д.п.н. Абдуллаева Р.М. (Ташкент)

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)

проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)

проф. Ахмедов Р.М. (Бухара)

проф. Гиясов З.А. (Ташкент)

проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)

проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)

проф. Каюмов У.К. (Ташкент)

проф. Исраилов Р.И. (Ташкент)

проф. Охунов А.О. (Ташкент)

проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)

проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)

проф. Ризамухамедова М.З. (Ташкент)

проф. Сабилов У.Ю. (Ташкент)

проф. Сабирова Р.А. (Ташкент)

проф. Халиков П.Х. (Ташкент)

проф. Хамраев А.А. (Ташкент)

проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)

проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

Бобоназаров С.С., Лочинов Ф.Н. МИОКАРД ИНФАРКТИ: СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗАНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ	61
Ботиров Т.К. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТРАВМАТИЗМИНИНГ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ	65
Дилов Э.Ш., Примухамедова Х.И., Арсланова А.Н. АМФЕТАМИН ҲОСИЛАЛАРИ -ЭФЕДРИН, МЕТАМФЕТАМИН, ПЕРВИТИН, ПСЕВДОЭФЕДРИННИНГ ОРГАНИЗМГА ТАЪСИР МЕХАНИЗМИНИ ЎРГАНИШ	68
Ибрагимов И.С., Ботиров А.Б. ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИКЛАРИДАН ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИ СУД-ТИББИЙ АҲАМИЯТИ	70
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. ДИАГНОСТИКА ПОСМЕРТНЫХ ИЗМЕНЕНИЙ И ИХ ЗНАЧЕНИЕ ПРИ УСТАНОВЛЕНИЕ СРОКИ НАСТУПЛЕНИЕ СМЕРТИ В УСЛОВИЯХ ЖАРКОЙ АРИДНОЙ ЗОНЫ	72
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. ОСОБЕННОСТИ ФОРМИРОВАНИЯ И ДИНАМИКИ ТРУПНЫХ ЯВЛЕНИЙ В РАЗНЫХ ТЕМПЕРАТУРНЫХ УСЛОВИЯХ СУХОЙ АРИДНОЙ ЗОНЫ, ПОСЛЕ МАССИВНОЙ КРОВОПОТЕРИ И ПОВЕШЕНИЕ	79
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. МАССИВ ҚОН ЙЎҚОТИШ ҲОЛАТИ ПОСТМОРТАЛ ДАВРИНИНГ ТУРЛИ МУДДАТЛАРИДА БОШ МИЯ ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ АУТОЛИЗ ЖАРАЁНИ ДИНАМИКАСИНИНГ ИССИҚ АРИД ЗОНАДА ЎЛИМ СОДИР ЭТИЛГАН ВАҚТНИ АНИҚЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ	87
Индиаминов С.И., Жуманов З.Э. ИССИҚ АРИД ЗОНАТ ШАРОИТИДА СТРАНГУЛЯЦИОН МЕХАНИК АСФИКСИЯ ҲОЛАТИДАН ЎЛИМНИНГ ТУРЛИ МУДДАТЛАРИДА ЖИГАР ТУЗИЛМАЛАРИДАГИ АУТОЛИТИК ЖАРЁН ДИНАМИКАСИНИНГ ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ	91
Индиаминов С.И., Жўраев И.Ф. ЙИРИК БЎҒИМЛАР БОҒЛАМАЛАРИ ЧЎЗИЛИШИ ВА УЗИЛИШИ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД ТИББИЙ ТАВСИФИ	95
Индиаминов С.И., Жўраев И.Ф. БЎҒИМ ИЧИ СИНИШЛАРИНИНГ СУД ТИББИЙ ЖИҲАТЛАРИ	98
Индиаминов С.И., Жураев И.Г. СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ АСПЕКТЫ ОКОЛОСУСТАВНЫХ ПЕРЕЛОМОВ	102
Индиаминов С.И., Шопулатов И.Б. СУДЕБНО-МЕДИЦИНСКАЯ КВАЛИФИКАЦИЯ СТЕПЕНИ ТЯЖЕСТИ И МЕХАНИЗМ ФОРМИРОВАНИЯ ПЕРЕЛОМОВ КОСТЕЙ ЗАПЯСТЬЯ	106
Исомидинов Р.Р., Искандаров М.И. ОСИЛИШ ҲОЛАТЛАРИДА ТИЛ ОСТИ СУЯГИ ВА ҚАЛҚОНСИМОН ТОҒАЙ ЖАРОҲАТЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ	110
Лочинов Ф.Н., Ташпулатов Ф.Х. ТУРЛИ ЗАҲАРЛАНИШЛАРДАН ЮЗ БЕРГАН ЎЛИМНИНГ СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШ	112
Лочинов Ф.Н., Мирзахмедов Ж.М. ТАН ЖАРОҲАТИНИ ОҒИРЛИК ДАРАЖАСИ АНИҚЛАНМАГАН ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	115
Машарипов А.С., Бабажанова Н.Ш., Хударгенова Д.Р. СУД-ТИББИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАРДА СПЕРМА ДОҒЛАРИ МАВЖУДЛИГИНИ АНИҚЛАШДА ҚАТТИҚ ФАЗАЛИ ИММУНОФЕРМЕНТ АНАЛИЗ УСУЛИДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИ	118
Мирахмедов Ш.М. ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ НАТИЖАСИДА БОЛАЛАР ЎЛИМИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	121
Норов А.Т. МЕХАНИК АСФИКСИЯДАН ЮЗ БЕРГАН ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	125
Пулатов М.М. ПОСТАСФИКТИК ҲОЛАТЛАР ЮЗАСИДАН ЎТКАЗИЛГАН ЭКСПЕРТИЗАЛАРИНИНГ СУД-ТИББИЙ ТАҲЛИЛИ	129

ТУРЛИ ЗАҲАРЛАНИШЛАРДАН ЮЗ БЕРГАН ЎЛИМНИНГ СУД-ТИББИЙ БАҲОЛАШ

Лочинов Ф.Н., Ташпулатов Ф.Х.

Тошкент тиббиёт академияси. Тошкент, Ўзбекистон

Республика Суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиали. Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация. Ушбу мақолада 2019-2020-2021 йилларда Тошкент вилояти аҳолиси орасида турли заҳарланишлар билан боғлиқ ўлим ҳолатларининг суд-тиббий жиҳатдан ўрганиш ва статистик таҳлили берилган. Тадқиқот жараёнида Тошкент вилояти аҳолиси орасида турли заҳарланишлардан эркакларда ва 30-40 ёш оралиғидаги шахсларда ўлим кўп қайд этилганлиги, куз-қиш фаслларида ҳамда ҳафтани чоршанба-пайшанба кунларида ва суткани тунги қисмида ўлим ҳолатлари нисбатан юқори эканлиги аниқланди.

Калит сўзлар: заҳарланиш, суд-тиббий экспертиза, профилактика чоралари.

Мавзунинг долзарблиги. Зўраки ўлим структурасида заҳарланишлар механик жароҳатлар ва механик асфиксиядан кейинги учинчи ўринни эгаллайди. Вужудга келиш тафсилотлари бўйича заҳарланишлар қотиллик, ўз-ўзини ўлдириш ва бахтсиз ҳодисалар кўринишида бўлиши мумкин. Айни пайтда суд-тиббий экспертиза маълумотлари бўйича аксарият ҳолатларни бахтсиз ҳодисалар ташкил этади. Кейинги ўринни заҳарланиш орқали ўз-ўзини ўлдириш эгаллайди. Заҳарлаш йўли билан қотиллик камдан-кам ҳолатларда кузатилади. Агар қотиллик ва ўз-ўзини ўлдиришда заҳарланиш қасддан содир этилса, бахтсиз ҳодисаларда заҳарланиш тасодифан юз беради. Ўз жонига қасд қилишга уринишларнинг асосий қисмини турли хил психотроп ва юрак-қон томир тизими дори воситаларидан заҳарланишлар ташкил қилади. Кўпчилик ҳолларда чинакам ўз жонига қасд қилувчи шахс сирка кислотаси, ис газини ва ўта заҳарли химикатни танлайди. Айрим тасодифий заҳарланишлар ятроген келиб чиқишга эга бўлиб, бу ҳолатлар тиббий муолажаларни ўтказишда дори моддаларининг дозасини белгилашда хатогарчилик ёки хато тарзда бир дорининг ўрнига бошқа моддани қўллаганда кузатилади. Суд-тиббий экспертиза хизматининг расмий ҳисобот маълумотларига кўра алкохолдан ўткир заҳарланиш билан боғлиқ мурдалар

экспертизаси заҳарланишлардан ўлим ҳолатлари гуруҳида етакчи ўринни эгаллайди. Сўнгги йилларда алкохол суррогатларини ишлаб чиқариш, фойдаланиш ва сақлаш устидан назоратни кучайтирилганлиги натижасида ушбу моддаларни истеъмол қилиш билан боғлиқ заҳарланишлардан шикастланиш ёки ўлим ҳолатлари сезиларли даражада камайди. Лекин, айрим ҳолатларда адашиб, билмасдан, бошқа ҳолатларда эса мазкур моддалардан қонунга хилоф равишда тайёрланган алкохолли ичимликларни истеъмол қилиш оқибатидаги заҳарланишлар юзага келиши мумкин.

Тадқиқотнинг мақсади. Тошкент вилояти аҳолиси орасида турли заҳарланишлар билан боғлиқ ўлим ҳолатларини ўрганиш ва статистик таҳлил қилиш йўли билан унга суд-тиббий баҳо бериш ҳамда заҳарланишларнинг олдини олишга қаратилган тавсияларни ишлаб чиқиш.

Текширув натижаси ва муҳокамаси. Тошкент вилояти аҳолиси орасида турли заҳарланишлар оқибатидаги ўлим кўрсаткичларини таҳлил қилиш учун Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг жойлардаги бўлимларида 2019-2020-2021 йилларда турли заҳарланишлар натижасида юз берган ўлим ҳолатлари бўйича тузилган эксперт хулосалари ўрганилди.

Тошкент вилояти аҳолиси орасида турли заҳарланишлардан ўлим ҳолатининг суд-тиббий таҳлили

Йиллар	Кўрсаткичлар	Жинси		Йил фасли				Хафта кунлари						Ёши					Сутка қисми			
		Эркак	Аёл	Қиш	Баҳор	Ёз	Куз	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба	18 ёшгача	18-30 ёш	30-40 ёш	40-50 ёш	50-60 ёш	60 ёш-н юқор	06:00-18:00	18:00-06:00
2019	абс	47	29	28	19	7	22	7	6	19	14	9	11	10	8	9	21	14	13	11	34	42
	%	61,8	38,2	36,9	25,0	9,2	28,9	9,2	7,9	25,0	18,4	11,8	14,5	13,2	10,5	11,9	27,6	18,4	17,1	14,5	44,7	55,3
2020	абс	74	29	49	11	5	38	13	16	17	19	17	12	9	10	17	27	23	18	8	46	57
	%	71,8	28,2	47,6	10,7	4,9	36,8	12,6	15,6	16,5	18,4	16,5	11,7	18,7	9,7	16,5	26,2	22,3	17,5	7,8	44,7	55,3
2021	абс	57	34	32	24	7	28	15	11	17	19	10	9	10	13	19	23	15	14	7	42	49
	%	62,6	37,4	35,2	26,3	7,2	30,8	16,4	12,1	18,7	20,9	11,0	9,9	11,0	14,3	20,9	25,3	16,5	15,3	7,7	46,2	53,8
Жами	абс	178	92	109	54	19	88	35	33	53	52	36	32	29	31	45	71	52	45	26	122	148
	%	65,9	34,1	40,4	20,0	7,0	32,6	13,0	12,2	19,6	19,3	13,3	11,6	10,7	11,5	16,7	26,3	19,3	16,7	9,6	45,2	54,8


Юқоридаги жадвалда кўрсатилишича, 2019 йилда жами 2671 та мурдага оид суд-тиббий экспертизаси ўтказилган. Улардан 1462 та (54,7%) ҳолатда зўраки ўлим қайд этилган. Зўраки ўлимдан 76 та (5,2%) ҳолатда ўлим турли хил заҳарланишлар натижасида юз берганлиги аниқланган ва ушбу ташхис лаборатория текширувларида ўз тасдиғини топган. Уларнинг 45 та (59,2%) ҳолатини исгазидан заҳарланиш, 13 та (17,1%) ҳолатини этил спиртидан заҳарланиш, 6 та (7,9%) ҳолатини сирка кислотасидан заҳарланиш, 12 та (15,8%) ҳолатини дори моддалардан (медикаментоз) заҳарланиш ташкил этган. Ушбу йилда овқатдан ва наркотиклардан заҳарланиш оқибатидаги ўлим қайд этилмаган. Жумладан, турли хил заҳарланишлар натижасидаги ўлим эркакларда - 47 та (61,8%), аёлларда - 29 та (38,2%) эканлиги аниқланган. Ёши бўйича таҳлил қилинганда: 18 ёшгача 8 та (10,5%), 18-30 ёшдагилар 9 та (11,9%), 30-40 ёшдагилар 21 та (27,6%), 40-50 ёшдагилар 14 та (18,4%), 50-60 ёшдагилар 13 та (17,1%), 60 ёшдан юқорилар 11 та (14,5%)ни ташкил этган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда: қишда 28 та (36,9%), баҳорда 19 та (25,0%), ёзда 7 та (9,2%), кузда 22 та (28,9%) турли хил заҳарланишдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Хафта кунлари бўйича - душанба 7 та (9,2%), сешанба 6 та (7,9%), чоршанба 19 та (25,0%), пайшанба 14 та (18,4%), жума 9 та (11,8%), шанба 11 та (14,5%), якшанба 10 та (13,2%) ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 34 таси (44,7%) кундузи (06:00-18:00), 42 таси (55,3%) тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган.

2020 йилда жами 2772 та мурдага оид суд-тиббий экспертизаси ўтказилган. Улардан 1361 та (49,1%) ҳолатда зўраки ўлим қайд этилган. Зўраки ўлимдан 103 та (7,6%) ҳолатида ўлим турли хил заҳарланишлар натижасида юз берганлиги аниқланган ва ушбу ташхис лаборатория текширувларида ўз тасдиғини топган. Уларнинг 74 та (71,8%) ҳолатини исгазидан заҳарланиш, 7 та (6,8%) ҳолатини этил спиртидан заҳарланиш, 8 та (7,8%) ҳолатини сирка кислотасидан заҳарланиш, 1 та (1,0%) ҳолатини дори моддалардан заҳарланиш, 1 та (1,0%) ҳолатини наркотикдан заҳарланиш ва 12 та (11,6%) ҳолатини турли моддалардан заҳарланишлар ташкил этган. Ушбу йилда овқатдан заҳарланиш оқибатидаги ўлим қайд этилмаган. Жумладан, турли хил заҳарланишлар натижасидаги ўлим эркакларда - 74 та (71,8%), аёлларда - 29

та (28,2%) эканлиги аниқланган. Ёши бўйича таҳлил қилинганда: 18 ёшгача 10 та (9,7%), 18-30 ёшдагилар 17 та (16,5%), 30-40 ёшдагилар 27 та (26,2%), 40-50 ёшдагилар 23 та (22,3%), 50-60 ёшдагилар 18 та (17,5%), 60 ёшдан юқорилар 8 та (7,8%)ни ташкил этган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда: қишда 49 та (47,6%), баҳорда 11 та (10,7%), ёзда 5 та (4,9%), кузда 38 та (36,8%) турли хил заҳарланишдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Хафта кунлари бўйича - душанба 13 та (12,6%), сешанба 16 та (15,6%), чоршанба 17 та (16,5%), пайшанба 19 та (18,4%), жума 17 та (16,5%), шанба 12 та (11,7%), якшанба 9 та (8,7%) ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 46 таси (44,7%) кундузи (06:00-18:00), 57 таси (55,3%) тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган.

2021 йилда жами 2857 та мурдага оид суд-тиббий экспертизаси ўтказилган. Улардан 1458 та (51,0%) ҳолатда зўраки ўлим қайд этилган. Зўраки ўлимдан 91 та (6,2%) ҳолатда ўлим турли хил заҳарланишлар натижасида юз берганлиги аниқланган ва ушбу ташхис лаборатория текширувларида ўз тасдиғини топган. Уларнинг 64 та (70,3%) ҳолатини исгазидан заҳарланиш, 7 та (7,7%) ҳолатини этил спиртидан заҳарланиш, 6 та (6,6%) ҳолатини сирка кислотасидан заҳарланиш ва 14 та (15,4%) ҳолатини турли моддалардан заҳарланишлар ташкил этган. Ушбу йилда дори моддалардан ва наркотикдан заҳарланиш оқибатидаги ўлим қайд этилмаган. Жумладан, турли хил заҳарланишлар натижасидаги ўлим эркакларда - 57 та (62,6%), аёлларда - 34 та (37,4%) эканлиги аниқланган. Ёши бўйича таҳлил қилинганда: 18 ёшгача 13 та (14,3%), 18-30 ёшдагилар 19 та (20,9%), 30-40 ёшдагилар 23 та (25,3%), 40-50 ёшдагилар 15 та (16,5%), 50-60 ёшдагилар 14 та (15,3%), 60 ёшдан юқорилар 7 та (7,7%)ни ташкил этган. Йил фасллари бўйича таҳлил қилинганда: қишда 32 та (35,2%), баҳорда 24 та (26,3%), ёзда 7 та (7,7%), кузда 28 та (30,8%) турли хил заҳарланишдан ўлим ҳолатлари қайд этилган. Хафта кунлари бўйича - душанба 15 та (16,4%), сешанба 11 та (12,1%), чоршанба 17 та (18,7%), пайшанба 19 та (20,9%), жума 10 та (11,0%), шанба 9 та (9,9%), якшанба 10 та (11,0%) ўлим ҳолатлари қайд этилган. Ўлим суткани қайси қисмида юз берганлиги таҳлил қилинганда: 42 таси (46,2%) кундузи (06:00-18:00), 49 таси (53,8%) тунги (18:00-06:00) вақтга тўғри келган.

Жами зўраки ўлим-4281



Юқоридаги диаграммада Тошкент вилояти аҳолиси орасида 2019-2020-2021 йилларда турли захарланишлардан ўлим ҳолатлари таҳлили берилган бўлиб унга кўра, мурдага оид ўтказилган жами экспертизалар (8300) орасида 4281 та (51,6%) ҳолатда зўраки ўлим қайд этилган. Зўраки ўлимнинг 270 та (6,3%) ҳолатини турли хил захарланишлар ташкил этади. Уларнинг 183 та (67,8%) ҳолатини ис газидан захарланиш, 27 та (10,0%) ҳолатини этил спиртидан, 20 та (7,4%) ҳолатини сирка кислотасидан, 13 та (4,8%) ҳолатини дори моддалардан (медикаментоз), 1 та (0,4%) ҳолатни наркотиклардан ва 26 (9,6%) ҳолатни турли моддалардан захарланишлар ташкил этган. Шунингдек, ўлим сони аёлларга нисбатан эркакларда (65,9%) ҳамда 30-40 ёш оралиғидагиларда (26,3%) кўп қайд этилганлиги, куз (32,6%) ва қиш (40,4%) фаслларида, хафтани чоршанба (19,6%) ва пайшанба (19,3%) кунларида ҳамда суткани тунги қисмида (54,8%) ўлим ҳолатлари нисбатан юқори эканлиги аниқланган.

Хулоса. Юқоридагилардан келиб чиқиб, турли захарланишлар орасида наркотиклардан захарланиш оқибатидаги ўлимнинг камлигини ва этил спиртидан захарланиш оқибатидаги ўлим сони йиллар давомида камайиб борганлигини вилоят аҳолисининг соғлом турмуш тарзига эътибор қаратаётганлиги, аҳолининг тиббий саводхонлиги ошиши ҳамда замонавий ва бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш даражаси яхшиланаётганлиги сифатида баҳолаш мумкин. Аммо, ис газидан захарланиш оқибатидаги ўлим кўрсаткичи юқори даражада эканлиги долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Ис газидан захарланиш билан боғлиқ нохуш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида, уларнинг вужудга келишида аҳамиятли бўлган омилларни ўрганиш ва бартараф қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда аҳоли орасида мунтазам тарзда кенг

тушунтириш ишларини олиб боришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бир қаторда тиббиёт ходимларининг ҳам иштироки муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар.

1. Акалаев Р.Н., Розанов В.А ва бошқ. "Ўткир экзоген захарланишларда ўз жонига қасд қилиш ва парсуцидал ҳаракатлар" //Вестник экстренной медицины. 2019, том 12, №6.
2. Бахриев И.И., Лочинов Ф.Н. Осмотр и судебно-медицинское исследование трупа //Учебное пособие. Ташкент, 2023.
3. Искандаров А.И., Қўлдошев Д.Р. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, "MERIYUS" нашриёти, 2009.
4. Искандаров А.И., Абдиқаримов Б.А., Якубов Х.Х. Судебно-медицинская оценка клинико-морфологических изменений при отравлении окисью углерода на фоне алкогольной интоксикации // Проблемы биологии и медицины. 2020, №5.1 (123), С. 281-286.
5. Lochinov F.N., Baxriyev I.I. Biologik tabiatga ega bo'lgan ashyoviy dalillarning sud-tibbiy ekspertizasi // Moinografiya, 2022, 105 b.
6. Раҳимова Х., Аъзамов А., Турсунов Т. "Меҳнатни муҳофаза қилиш: Олий ўқув юртлари талабалари учун ўқув қўлланма". - Т.: Ўзбекистон. 2003.
7. Судебная медицина: национальное руководство / под ред. Ю.И.Пиголкина. - М.: ГЭОТАР - Медиа, 2018.
8. Гиёсов З.А. Суд тиббиёти // Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, "Global Books" нашриёти, 2018.
9. Гиёсов З.А., Хайдаров Р.А., Махсумхонов Қ.А. Метил спиртидан оммавий захарланиш ҳолати // Современные аспекты судебно-медицинской экспертизы и криминалистики. 2006.